

ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини амалга ошириш самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи наебатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5644-сонли фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январь кунги "Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада токомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4102-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқи. 14.12.2016. // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь;

7. Matei A., Camelia G. Public Service in Romania and its Role in the Development of the Administrative Capacity // Procedia Economics and Finance. 2015. N 23. P. 982–985.

8. Buleca J., Mura L. Quantification of the efficiency of public administration by data envelopment analysis // Procedia Economics and Finance. 2014. N 15. P. 162–168.

9. Nomden K. L'évolution de la gestion des ressources humaines dans les administrations publiques de l'Union européenne // Eipascope. 2000. N 1. P. 25–27.

10. Андриянов В.Н., Трубников В.В. Эффективность местного самоуправления: критерии и показатели. // Известия Иркутской государственной экономической академии, 2012, № 1. -С. 140.

11. Фетисова Г.В. и Притула О.Д. Оценка эффективности деятельности органов местного самоуправления. // Вестник Новгородского государственного университета. 2014, №82. -С.45.

12. Васильева Е.И., Зерчанинова Т.Е., Ручкин А.В. Оценка эффективности деятельности государственных служащих. // Управленческое консультирование, 2016. – №4 (88). – С. 4-26.

13. Алижанова З.Р. Оценка эффективности управления в системе государственной службы (Assessment of management effectiveness in the public service system). Социология власти (Sociology of power), 2010. – С. 195-202.

14. Турчинов А.И. Управление персоналом: Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. Под общ. ред. А.И.Турчинова. – М.: Изд-во, РАГС, 2008. – С. 608.

15. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. // Монография. – Т.: IFMR, 2014. -С. 162–163.

16. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонуни, ЎРҚ-788-сон, 2022 йил 8 август.

17. [https://aza.uz/uz/posts/ixcham-va-samarali-boshqaruvtizimini-yaratish-vazifasi-qoyildi\\_395898](https://aza.uz/uz/posts/ixcham-va-samarali-boshqaruvtizimini-yaratish-vazifasi-qoyildi_395898).

18. <https://regulation.gov.uz/oz/d/68180> (давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётини лойиҳаси).



### КАМБАҒАЛЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИОН-НАЗАРИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

**Холмирзаев Абдулхамид Хапизович -**

Наманганд мұхандислик-технология институти, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси катта ўқитувчиси

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a26](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a26)

**Аннотация.** Мазкур мақолада камбағаллик тушунчасининг мазмун-моҳияти ёритилган. Шунингдек, камбағаллик тушунчасининг эволюцион тарздаги изоҳлари тадқиқ этилган. Мақолада камбағалликни ифодаловчи турли тавсифлар келтирилган ҳамда муаллифнинг камбағалликни ифода этувчи назарий ёндашувлари шакллантирилган. Бундан ташқари, камбағалликни камайтириш бўйича турли ёндашувлар таҳлил қилиниб, таҳлиллар натижаларига асосан аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиялар кўзланган асосий мақсад келгусида республикамиз аҳолисини турмуш даражасини янада яхшилашдир.

**Калим сўзлар:** камбағаллик, турмуш тарзи, ижтимоий табақа, ишсизлик, даромад, қамбағаллашган омма, бандлик, жамоат манфаатлари, минимал талаблар.

### СУЩНОСТЬ БЕДНОСТИ И ЕЕ ЭВОЛЮЦИОННО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ

**Холмирзаев Абдулхамид Хапизович -**

Наманганская инженерно-технологический институт, Старший преподаватель кафедры «Бухгалтерский учет и аудит»

**Аннотация.** В данной статье раскрыта сущность понятия бедности. Также исследованы эволюционные интерпретации концепции бедности. В статье представлены различные описания бедности и теоретические подходы автора к проблеме бедности. Кроме того, были проанализированы различные подходы к снижению бедности, и по результатам анализа выработаны рекомендации по обеспечению занятости населения. Основной целью данных рекомендаций является дальнейшее повышение уровня жизни населения нашей республики в будущем.

**Ключевые слова:** бедность, образ жизни, социальный класс, безработица, доход, обедневшие массы, занятость, общественный интерес, минимальные требования.

**Kholmirzaev Abdulkhamid Khapizovich -**

*Namangan Institute of Engineering and Technology,  
Senior teacher of the "Accounting and Auditing" department*

**Abstract.** This article describes the essence of the concept of poverty. Evolutionary interpretations of the concept of poverty are also explored. The article presents various descriptions of poverty and the author's theoretical approaches to poverty. In addition, various approaches to reducing poverty were analyzed, and based on the results of the analysis, recommendations were developed to ensure the employment of the population. The main goal of these recommendations is to further improve the standard of living of the population of our republic in the future.

**Keywords:** poverty, lifestyle, social class, unemployment, income, impoverished masses, employment, public interest, minimum requirements.

**Кириш.** Камбағаллик инсоният тарихида иқтисодий ҳодиса сифатида азалдан бўлиб келган. Мавжуд назарий тушунчалар орқали камбағаллик иқтисодий категория сифатида турлича баҳоланади. Ушбу тушунчаларнинг қашшоқлик кўрсаткичлари мамлакатимиздаги салбий тенденцияни тавсифлайди. Камбағалликнинг иқтисодий оқибатлари кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Бундай оқибатлар аҳолининг харид қобилияти пасайиши, талаб таркибининг паст нарх сегментига қараб ўзгариши ва умуман, кичик бизнес ва турли тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодиётдаги ишбилармонлик мухитига салбий таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Камбағаллик шахс ёки ижтимоий гуруҳ иқтисодий ҳолатининг ўзига хос ҳусусияти бўлиб, инсоннинг ҳаёт кечириши, меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва насл беришда зарур бўлган минимал эҳтиёжларнинг маълум бир доирасини қондира олмасликни англаради. Шунинг учун камбағаллик жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Камбағаллик бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлади.

«Камбағаллик» тушунчасининг талқини турли хил ўзгаришларга дуч келди. Унинг табиати ва сабаблари, шубҳасиз, ҳар доим олимларнинг диққат марказидан жой эгаллаб келган. Социологлар кўпинча камбағалликни жамият ижтимоий ҳаётининг табиий ҳодисаси деб қарайдилар. Камбағаллик ижтимоий-иктисодий ҳодиса сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ, шунинг учун унинг намоён бўлиш шакллари вақт ва маконда фарқланади. Камбағалликнинг пайдо бўлиш жараёнлари ўзига хос тарихни яратган.

Камбағаллик қадим замонлардан мавжуд ва ҳозирги даврда жаҳон мамлакатларининг муайян аҳоли қатламини қамраб олган. Аниқроқ айтсан, камбағаллик турли давлатларда турлича даражаларда намоён бўлиб, бугунги кунда ҳам кенг тарқалган.

Иқтисодий таълимотлар тарихида камбағаллик бир қатор иқтисодчи олимларнинг эътиборини тортиди. Осиё, антик ва феодал жамиятларида бой ва қамбағалларга бўлиниш инсоннинг шахсий қобилиятига унчалик боғлиқ бўлмаган: эҳтиёжлар даражаси ва уларни қондиришлик шахснинг синфий ва хуқуқий ҳолатига боғлиқ эди. Чунки у даврларда турли ижтимоий гуруҳлар турли хил турмуш тарзига эга эди. Шунинг учун қути табақаларнинг юқори қатламларнинг обрўли турмуш тарзига риоя этишлари мумкин эмаслиги одатий ҳаёт меъёрлари сифатида қабул қилинган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Камбағаллик муаммоларини ҳал этишга қадимдан социологлар, иқтисодчи ва файласуфлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар туфайли бебаҳо хисса қўшиб келинган. Дастлаб қадимги файласуфлар: Конфуций, Ксенофон, Платон, Аристотел асарларида даромадларни нотекис тақсимлаш муаммоси ўрганилган. Улар жамиядада барқарорликни сақлаш учун синфларга бўлиниш ва имтиёзларни тақсимлашда адолат тамоилига асосланиш керак, деган фикрни билдирилар [3, 11 б.]. Масалан, қадимги Юнонистон файласуфлари ижтимоий табақаланиш моделини биринчи бўлиб тан олишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, «...Платон ўзининг «Давлат» (милоддан аввалги 428-347 й.й.) асарида жамиятнинг икки қисмдан иборат табақаланишини кўрсатади. Бир қисми бойлардан, иккинчи қисми камбағаллардан иборат бўлиб, улар биргага яшаб туриб, бир-бирларига қарши фитна уюстирадилар» [12, 843 б.], деган тасаввурлар оммалашган.

Гегел камбағаллик ва бойликнинг турли ҳусусиятларини изоҳлаб берди. Гегел, камбағалликни шахснинг ва умуман жамиятнинг маълум бир ҳолати сифатида ҳаракат қилувчи ижтимоий ҳодиса тарзида кўриб, «камбағал синф», «камбағаллик», «қамбағаллашган омма», «мухтож» тушунчаларини илгари сурди. Шунингдек, у камбағалликнинг икки томонини ажратиб кўрсатди. Биринчиси объектив бўлиб, у мавжуд шароитларга боғлиқ бўлса, иккинчиси субъек-

тив бўлиб, ахлоқий субъект соҳасини қамраб олади [5, 530 б.].

Француз олимни П.Ж. Прудон (1809-1865) томонидан камбағаллик ҳақида қизиқарли фикрлар билдирилган. Унинг фикрича, камбағаллик, ижтимоий неъмат эди. П.Ж.Прудон камбағалликнинг икки турини ажратиб кўрсатди. У биринчисини қиёсий ёки нисбий, иккинчисини эса мутлақ деб ҳисоблаган. Нисбий камбағаллик ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг кенгайиши натижасидир [7, 29 б.]. У фақат меҳнат унумдорлигининг доимий ошиигина камбағалликни енгиш учун ҳақиқий истиқболларни очади, деб ҳисоблаган.

Хусусан, Ч.Бут ва С.Раунтри асарлари камбағаллик ҳақидаги билимлар бўйича академик тадқиқотлар учун асос яратди ва кўплаб мамлакатлар сиёсатига бевосита таъсир кўрсатди. Камбағалликнинг асосини шахснинг ижтимоий ҳаётга муносабати, яъни кийим-кечак, озиқовқат, уй-жой каби энг асосий эҳтиёжларини қондириш эди [12, 844 б.].

Ч.Бут камбағалларни оила учун ҳафтасига мунтазам даромадга эга бўлган ва етарли деб ҳисобланган одамлар деб атаган. Кимнинг ҳафталик даромади белгиланганидан кам бўлса, Ч.Бутнинг сўзларига кўра, бу тоифадаги кишилар жуда камбағалларга тегишли эди. Ч.Бут нуқтаи назаридан, «камбағаллар – бу маълум бир мамлакатда одатий ҳаёт стандартларига мувофиқ эҳтиёжлари қондирилмаганлар»дир [4].

Француз иқтисодчиси Ф. Ле Плей камбағалликнинг мутлақ мезони сифатида оила бюджети асосида ҳисобланган камбағалликни олди. Фақатгина инсоннинг жисмоний яшаши учун зарур нарса ҳисобга олинди, шунинг учун харожатларнинг катта қисми озиқ-овқатга тўғри келди. Шунга кўра, мос равишда таълим ва турли ижтимоий эҳтиёжлар учун харожатлар оила бюджетидаги харожатларнинг энг кичик қисми ни эгаллади [12, 844 б.].

Неолиберализм тарафдори Ф. фон Хайек «камбағаллик»ни ўрганар экан, инсоният жамияти учун бу ҳодиса муқаррар, шунинг учун у жамоат манфаати учун фойдали бўлиши керак, деб таъкидлади. Ф. фон Хайек бошқа ўтмишдошлар сингари давлат таъсирини чекловчи чора-тадбирлар орқали кўриб чиқди ва шахснинг ташқи омиллар таъсирида қашшоқликка учраши мумкинлигини ҳисобга олмаган ҳолда қашшоқлиги учун шахсни жавобгарлика тортди [13, 176 б.].

Фикримизча, камбағаллик – инсон ёки оиланинг зарур ва муҳим эҳтиёжларини қондиришга имкон бермайдиган муҳтоҷлик аломати бўлиб, ҳаётий шарт-шароитлар, воситалар етишмаслигини англатади. Камбағаллик замонавий жамиятнинг энг кескин ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Аслида мамла-

катдаги «иқтисодий мақсадлар иқтисодий ўсиши қувватлаш, макроиқтисодий мувозанатга эришиш, инвестиция жараёнлари барқарор ривожлантириш бўлса, ижтимоий мақсадлар биринчи ўринда аҳоли бандлиги, аҳоли даромадлари оширилиши ва камбағаллик қисқартирилишидир» [2, 116-117 б.].

Иқтисодий адабиётларда камбағаллик тушунчасининг ягона таърифи йўқ. Масалан, Жаҳон банки тадқиқотчилари қашшоқликни энг кам турмуш даражасини сақлаб қолишнинг имкони йўқлиги деб биладилар. Ўз навбатида, британиялик иқтисодчи Э.Тирвлолнинг таъкидлашича, қашшоқлик нафақат даромад ва истеъмол даражасининг пастлиги, балки кўпинча инсон ривожланишининг паст даражаси, биринчи навбатда, таълим олиш (ёки унинг етишмаслиги) ва сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш имконияти йўқлигидир. Бундан ташқари, Э.Тирвлолл шунингдек, камбағаллар кўпинча кучсизлик, заифлик ва кўрқув туйғусини ҳис қилишларини алоҳида эътироф этади. Чунки бой фуқароларга нисбатан кўпроқ ҳавф остида ва деярли мумкин бўлган чегаралардан ташқарида яшайдилар [9, 678 б.]. Демак, камбағаллик туфайли инсоннинг нафақат турмуш тарзини сақлаб қолиш, балки унинг руҳий хиссиётларини тиклаш ҳам инсон омилиниң ўзига хос муаммоларидан ҳисобланади.

М.П. Тодаро ва С.Смит шунингдек, ҳозирги шароитда камбағал мамлакатларнинг мутлақ кўпчилигида, кенг қашшоқлик шароитида аҳолининг бой қатламлари ўз жамғармалари ва маблағларини кўпайтиришга интилмаётганлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтадилар [10, 860 б.]. Чунки камбағаллик муаммосини ҳал қилиш учун умуман, ички бозорда истеъмолни кенгайтириш, инсон капитали сифатини яхшилаш, кенгайтириш ва мамлакатда ишбилармонлик фаоллигини ошириш зарур тадбирлардан ҳисобланади.

П.Таунсенд нисбий камбағалликка катта аҳамият берган. П.Таунсенд томонидан кўлланилган асосий далил мутлақ камбағалликни бартараф этиш Англиядаги камбағалларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан содир бўлишини англатарди, уларнинг турмуш даражаси жамиятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 50 ва 60-йилларда 40-йиллардагидан яхшироқ эмас эди [11].

Нобель мукофоти лауреати, америкалик иқтисодчи Ж. Стиглицнинг фикрича, «камбағаллик омил сифатида вертикал ҳаракатчанлик пасайишига, айниқса, узок муддатли “ҳисса қўшади” ва бутун аҳолининг меҳнат унумдорлигини пасайтиради» [8, 161 б.].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг методологик асоси тадбиркорлик фаолияти орқали камбағаллик даражасини пасайтириши

таъминлаш ва аҳоли даромадлари самарадорлигини ошириш. Таҳлил жараёнида таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Кузатув методи орқали тадбиркорлик ҳолати баҳоланган ва абстракт-мантиқий фикрлаш орқали тегишли хуносалар шакллантирилган.

Жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммони ҳал этиш йўлларини топишга қаратилган саъй-ҳаракатлари жуда аниқ, чунки давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, ҳалқларнинг бирлашиши ва фаровонлиги шароитида юз беради. Бу эса ҳозирги ишнинг вазифаси, яъни камбағалликнинг олдини олиш ва эҳтимол уни камайтириш мақсадида камбағалликка қарши курашиш бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганишни олдиндан белгилаб беради.

Россияда камбағаллик муаммоси XX асрнинг сўнггиchorагидан маҳаллий иқтисодчилар томонидан тобора кенг ўрганила бошлади. Трансформациян ислоҳотларнинг дастлабки босқичида неолиберал ислоҳотчилар бозор эркинликлари тарафдорлари бўлган ҳолда, ўз назарий конструкцияларида мамлакат аҳолиси-нинг қашшоқлашувига йўл қўймаслик бўйича

институционал чора-тадбирларга унчалик катта аҳамият бермадилар. Ўз-ўзидан, нотўри ӯйланган иқтисодий ислоҳотлар кам даромадли кишиларнинг кескин кўпайишига олиб келди.

Россиялик тадқиқотчиларнинг аксарияти О.Белокрилова, Т.Заславская, Н.Волгин, А.Махмутов, Н.Римашевская камбағалликнинг ӯзига хос хусусиятлари, унинг турлари билан бир қаторда, аҳоли даромадларини ошириш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш тарафдорлари, энг заиф қатламларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари бўйича таклифлар киритадилар [1, 102 б.].

Камбағаллик муаммосига замонавий ёндашувлар тизимининг асосчиларидан бири ҳақли равишда машхур инглиз социологи С. Роунтри бўлиб, унинг XIX-XX асрларда олиб борган ишлари бундай кўпқиррали ҳодисани кейинчалик ўрганиб, унинг асосини яратди. Бу тадқиқотлар, камбағалликни асосий эҳтиёжлар асосида ўрганиш, камбағалликни яшаш учун зарур ресурслар етишмаслиги сифатида талқин этиш, камбағаллик чегарасини аниқлаш ва бошқа бир қатор асосий тушунчалар тизимини шакллантириди.

## 1-жадвал

### Хорижий ва маҳаллий олимлар асарларида камбағаллик тушунчасининг тавсифланиши

Камбағаллик тушунчаси	
Пьер-Жозеф Прудон	«...цивилизация ҳолатида киши, ўз танасини сақлаб қолиш ва руҳини ривожлантириш учун кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас зарур нарсани меҳнат билан олади. Ишлаб чиқариш ва истеъмолимизнинг бу қатъий ўзаро чекланишини, мен камбағаллик деб атайман...» (Камбағаллик иқтисодий тамойил сифатида (1908 й.))
Питер Таунсенд	«Агар жисмоний шахслар, оиласлар ва аҳоли қатламлари, ўзлари яшайдиган жамиятда кенг тарқалган озуқалар турларига, шунингдек, ҳаёт, меҳнат ва дам олиш шароитлари билан таъминлаш учун етарли ресурсларга эга бўлмасалар, у ҳолда уларни камбағаллик ҳолатида, деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг ресурслари шахс ёки оиласа нисбатан, ўртача ҳажмдан анча паст бўлиб, ҳақиқатда бундай жамият оддий муносабатлар, ҳаётий анъаналар ва фаолиятдан четлатилган ҳисобланади» (Буюк Британияда камбағаллик (1979 й.))
С.Н. Быкова, В.П. Любин	«Камбағаллик – нисбий тушунча. Бу даромаднинг йўқлиги эмас, балки жамиятнинг бошқа аъзолари даромадларига нисбатан даромад қиймати етарли эмаслигидир» (Русча ва итальянча камбағаллик (1993 й.))
С.С. Ярошенко	«Камбағаллик – инсон, ижтимоий гуруҳнинг, мамлакатнинг умумий қабул қилинган яшаш шароитларини сақлаб қолиш учун зарур ресурслар йўқлиги ёки етишмаслиги билан ажralиб турувчи ҳолати» (Гендерни истисно қилиш режимида камбағаллик (2010)).
Замонавий иқтисодий луғат	«Камбағаллик – шахс, оила, минтақа, давлат учун оддий ҳаёт ва ҳаётий фаолият учун мавжуд бўлган мулкий қадриятлар, товарлар, пулларнинг ҳаддан ташқари етишмаслиги» (Современный экономический словарь. URL: <a href="http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_67315/">http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_67315/</a> )
Википедия – эркин энциклопедия	«Камбағаллик – шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий ҳолатига хос хусусият бўлиб, жамиятда ҳаёт, меҳнат қобилияти ва наслни сақлаб қолиш учун зарур минимал эҳтиёжларнинг маълум бир доирасини қондира олмаслиқдир» ( <a href="https://ru.wikipedia.org/wiki/Бедность">https://ru.wikipedia.org/wiki/Бедность</a> )

**Манба:** муаллифнинг турли илмий манбалар асосида ишланмаси.

Хусусан, ўзбек иқтисодчиларидан К.С.Сайдов, М.М.Мухаммедов «камбағаллик тоифаси – кишиларнинг моддий таъминланмаганлигининг ӯзига хос ҳолати бўлиб, бунда бир киши ёки оиласнинг даромади ҳаёт фаолияти учун ижтимоий-зарурий истеъмол даражасини таъминлашга имкон бермайди», деб қайд этадилар. Уларнинг фикрича, камбағаллик ҳар бир иқти-

содий тизимга хос бўлиб, у кескинлашиб бориши мумкин.

Иқтисодчи Ш. Мусафакулов камбағалликка нисбатан ўз ёндашувини баён этиб, “камбағаллик” – турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом этириш учун зарур энг кам эҳтиёжларни қондирish имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижти-

моий гурухлар иқтисодий аҳволининг кўрсаткичидир”, деб таъкидлаб ўтади[6]. Камбағаллик ҳолати ресурсларнинг узоқ муддат давомида етарли бўлмаслигини аввалги жамғармалар билан ҳам, қиммат товарларни харид қилишдан вақтинча тежаш ҳисобига тўпланган маблағ билан ҳам қоплаш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Камбағаллик имкониятсизлик, у инсоннинг қийинчиликларини англатувчи тушунча бўлиб, ҳатто мавжудлик учун минимал талабларни қондиришга имкон бермайди. Камбағаллик нафақат даромад етишмаслигини англатади, балки журъатсизлик, кучсизлик ва юқори иқтисодий ишончсизликни ҳам бошдан кечиришни англатади. Жамиятни ташкил этувчи шахслар ёки оиласларга тегишли турли ресурсларнинг ўртacha ҳажмдан анча паст бўлиб, ҳақиқатда бундай жамият оддий муносабатлар, ҳаётий анъаналар ва фаолиятдан четлатилган тақдирда камбағаллик юзага келади. Камбағалликни, фикримизча, қуйидагича дара-

жаларда таснифлаш ва даражаларга тегишилиги бўйича аҳолини камбағаллиқдан чиқариш чораларини кўриш мумкин:

- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг **жуда паст** даражаси.

- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг **ўрта паст** даражаси.

- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг **энг паст** даражаси.

- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг **инқизор** даражаси.

Юқоридаги тавсияларимизга асосан аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг мазкур даражалар кесимида таҳлил қиласак ва вақтида тегишили чора-тадбирларга асосан аҳоли бандлигини таъминласак, мамлакат иқтисодиётга катта наф келтирган бўламиз. Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириш ва аҳолининг иш билан бандлигини доимо мониторингдан ўтказиб туриш келажақда мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Александров Е.Л., Александрова О.Е. Меры борьбы бедностью: Зарубежный и отечественный опыт. // Фундаментальные исследования, 2015. С.102.
2. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик мухитини ривожлантириши. – Т.: «Lesson Press» нашриёти. 2021. 116-117- бетлар.
3. Беглова Е.И. Бедность ка социально-экономическое явление. Автореф. дисс. на соискан. ученой степени докт. экон. наук, 2014. С. 11.
4. Boot Ch. Life and London of the people in London [Electronic resource] / Ch. Boot. – URL: <https://archive.org/details/lifelaboutright07bootiala>.
5. Гегель. Политические произведения. – М.: Наука, 1987. – 530 с.
6. Мустафакулов Ш.И., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 1-son, yanvar-fevral, 2020-yil.
7. Прудон, П.-Ж. Бедность как экономический принцип: пер. с фр. / П.-Ж. Прудон. – М.: Посредник, 1908. – 29 с.
8. Стиглиц Дж. Цена неравенства. Чем расслоение общества грозит нашему будущему: [пер. с англ.]. – М.: Эксмо, 2015. С. 161.
9. Thirlwall A.P. Economics of Development. Theory and Evidence (Ninth Edition) / A.P.Thirlwall. - Palgrave Macmillan, 2011. - 678 p.
10. Todaro M.P., Smith S.C. Economic Development (12<sup>th</sup> Edition) / M.P. Todaro, S.C. Smith. – Pearson Education Limited, 2015. – 860 p.
11. Townsend P. Poverty in the United Kingdom / P. Townsend // Univ. of California. – Berke- ley, 1979.
12. Шугаева И.В. Методологические аспекты феномена бедности в современном обществе. // Электронное научное издание «Ученые заметки ТОГУ» 2016, Том 7, №4, С. 843.
13. Хайек, Ф. А. фон, Дорога к рабству : пер. с англ. / Ф. А. Хайек. – М.: Экономика, 1992. – 176 с.
14. Собиров О.О. Ҳўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини тақомиллаштириш ўйналишлари. (PhD) Диссертация иши. – Т.: ТМИ, 2022 ый.
15. Собиров О.О. Бошқарув ҳисобининг моҳияти ва уни ташкил этишда харажатларнинг ўрни. Scientific Journal of "Internatsional Finance & Accounting". – Т.: ТМИ, 2022 ыйл авгууст. Issue 4. 1-10-б.



doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a27](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a27)

### INSON KAPITALIGA SARMOYA YANGI O'ZBEKISTONNING FAROVONLIGI KAFOLATI

*Numanova Madina Latif qizi -  
TDIU huzuridagi "O'zbekiston iqtisodiyotini  
rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari"  
ilmiy tadqiqot markazi, kichik ilmiy xodim*

**Annotatsiya.** O'zbekistonda innovatsion ta'lim rivojlanishi inson kapitalini shakllantirishda yangi tendensiyalarini keltirib chiqarmoqda. Inson va uning bilim va ko'nikmalarini davlat iqtisodiyotining asosiy omili hisoblangab inson kapitali, davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ustuvor yo'nalishi hisoblanadi. Universitetlarning inson kapitalini shakllantirishdagi zamonaviy tendensiyalarining nomuvosiqligi, ularning rivojlanishi jarayonida ular oldida turgan yangi vazifalarni ko'rsatmoqda. Ma'lumki, inson kapitali uni boshqarishning ongli, maqsadli va tizimli jarayoni shartidagina shakllanishi mumkin. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi va amaliyoti ko'rsatmoqdaki, inson kapitaliga yo'naltirilgan investitsiya mamlakatning yuksak rivojlanishiga olib boradi. Shuning uchun, mamlakatimizning tezkor rivojlanishiga hissa qo'shmoqchi bo'lsak, biz birinchi o'rinda investitsiyani ta'lim tarbiyaga yo'naltirishimiz zarur.

**Kalit so'zlar:** inson kapitali, innovatsion rivojlanish, olyi ta'lim, ta'lim, kadrlar salohiyati.